Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

# ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

ИСТАРАСИ иссиқ, мовий кўзларидан доимо меҳр ёғилиб турувчи бу аёлни қурилиш участкасида илк бор кўрганимда бениҳоя ажаблангандим. Кўринишидан у худди янги уйнинг калитини қурувчилардан қачон олишини билиш учун келган уй бекасига ўхшарди. Аммо... Янглишган эканмиз: Наталья аксинча бинокор, аниқроғи 2-уйсозлик комбинатининг пардозлаш ишлари билан шуғулланувчи 2-бошқармасида смена мастери экан. Уни кейинги гал вагон-уйчада учратдик. Ишга берилиб кетган Наталья Кучковская бир зум стол устидаги ҳисоб-китоб дафтаридан нигоҳини узиб бизга қаради. Мақсадимизни англагач, суҳбатга тушди.

— Эътироз билдирмасангиз, қурувчиларни бир зум уй эгаларининг ҳақли таъналаридан ҳоли қилдирсак, — деди у. — Биласизми, бировга айб юклаш осон, аммо нима учун шундай бўлаяпти деган фикр камдан кам ҳоллардагина киши эътиборини жалб этади. Яхши ишлаш фақат ўзингга боғлиқ, деган тушунча бизда йиллар давомида сақланиб келмоқда. Аммо ўйлаб кўринг: бутун бир қурилиш объектини ҳеч бир қусурсиз эгаларига ғайрат билан топширишга киришганингда сифатсиз бетон плиталар келиб қолса, унинг биттасини қайтарасиз, иккинчисини қайтарасиз, учинчи сафар нимадир бу ишга монелик қилиб қолади. Оқибатда сифатсиз қурилиш материали уйга ишлатиб юборилади. Бу билан заводнинг бракини биз уйни ўз эгаларига топширадиган кунгача ортиқча юк қилиб елкамизда олиб юрган бўлиб қолмаймизми?! Уй ишга тушганидан кейинги таъналарни эшитсангиз эди, унча-мунча одамнинг бардоши етмаса керак, уни тинглашга.

— Демак, сизнингча иш ҳамма босқичда: хом ашё қурилиш материалига айланадиган жараёндан тортиб, уй тиклангунга қадар масъулият билан адо этилиши керак. Шундайми?

— Бунга шубҳа йўқ. Ҳозир қурувчиларимиз ўзлари билан боғлиқ барча муаммоларга чек қўйишган. Улар энди қандай қилиб бундан буён яна ҳам яхши ишлаш мумкинлигини кўплашиб ўрганиб чиқмоқдалар. Айниқса, бу ҳол партия йиғилишларида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Кўп йиллик бой иш тажрибасига эга бўлган қурувчилар, коммунистлар ўзларининг амалий таклиф ва мулоҳазалари билан ишда туб ўзгаришлар ясашга ёрдам бермоқдалар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозир 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки жой билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири бўлиб турибди. Қийин, аммо уддасидан чиқса бўладиган бу ишга қўл урилганидан бери қанчадан-қанча оилалар ўзларининг турар жой шароитларини яхшилаб олганликларини таъкидлашнинг ўзиёқ қувончлидир. Кўпминг кишилик уйсозлик комбинатининг бинокорлари қатори қурилиш участкамиз пардозловчилари ҳам ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратишда омилкорлик қилишмоқда. Улар сўзда эмас, ишда унум бўлишини таъминлашга эришмоқдалар.

Яқинда Чилонзор районининг «Гулистон» массивидаги 54 квартирали янги уйни давлат қабули вакиллари «аъло сифатга» баҳоладилар. Албатта бу қурилишда камдан кам ҳоллардагина бўладиган ҳодиса. Тўққиз қаватли бир нечта уй шу массивда қурилиш участкамиз пардозловчиларининг қўлидан ўтган. Энди 49-уйда пардозлаш ишларини олиб бораяпмиз. Мақсадимиз битта: у ҳам бўлса янги уйга кўчиб кираётган ҳамшаҳарларимизнинг яхши гапларини эшитиш.

— Ҳамкасбларингиз сиздаги фидойилик, ишга куюнчаклик ҳамма аёлларда ҳам бўлавермайди, дейишяпти. Бунинг боиси нимада?

— Ўзим бинокор бўлсам ҳам асли қишлоқ қизиман. Бу касбни тасодифан танлаганман десам ишонмассиз. Аммо рост. Собиқ 22-ўрта ҳунар-техника билим юртига қабул тўғрисидаги эълон дилимга оро кирди. Ўшанда Чинoздаги мактабнинг саккизинчи синфини тугатиб Тошкентга келгандим. Билим юртидан ишлаб чиқариш практикасига чиққанимда бу касбнинг гаштини туйдим. Кейин турмуш, ҳаёт ташвишлари дегандек. Ўн бир йилдан бери шу бошқармадаман. Аввал пардозловчи бўлдим, бошқарма комсомол комитетига сайландим. Кейинроқ эса бошқарма партия ташкилоти секретари бўлдим. Ҳозир участка мастериман. Ишларимиз кўп. Аммо бу ишларни бажариш менга оғирлик қилмайди. Чунки мени суяйдиган, мен таянадиган коллектив бор. Улар билан қувончларимизни ҳам, ташвишларимизни ҳам бараварига баҳам кўрамиз.

— Коммунист сифатида партия ташкилотларининг составини сифат жиҳатидан яхшилаш, партияга қабулни такомиллаштириш, бу ишларда КПСС аъзоларининг ролини оширишга қандай қарайсиз?

— Бу жуда муҳим, таъбир жоиз бўлса, ҳар доим алоҳида куч-ғайрат сарфланадиган иш. КПСС аъзолари сафига нолойиқ кишилар келиб қолишига чек қўйишга шу йўл билангина эришиш мумкин. «Ҳозир коммунистлар олдига муҳим вазифалар қўйилмоқда, уларга осон эмас», деган гапларни эшитиб қоламиз. Аслида эса ҳар доим шундай. Бизлар ҳамиша олдинги сафда бўлишимиз, партия белгилаб берган йўлдан дадил бориб унинг қарорларини амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатишимиз керак. Қайта қуриш турмуш тарзимиздан тортиб иш фаолиятимизгача ўзгартириш ясади. Энди ҳар ким ўзини ўз иш жойининг тўлақонли хўжайини деб билмоқда. Куч-қудратини амалий ишларда намоён этаётир. Жамиятимизни маънавий жиҳатдан поклантириш, экономикани қайта қуриш, ошкоралик ва демократия туфайли ана шу сифат ўзгаришларига эришдик. Эндиги асосий вазифа бу ишларда коммунистларнинг ташаббускорлигини оширишдан иборат. Демак ҳали ҳаммаси олдинда.

Наталья Васильевна бир зум жим қолди. Назаримда у шу дамда кутилмаган касбни танлаб адашмаганлигини кўнглидан ўтказгандек бўлди. Вагон-уйчадан ташқарига чиқдик. Ишлар бир маромда бораётган қурилиш участкасидаги қаватлар кўкка бўй чўзаётган эди. Ҳадемай, бу уйларга Наталья бошчилигидаги қурувчилар алоҳида кўрк бағишлайдилар. Қурилиш майдонидан қайтар эканмиз, унинг гаплари кўнглимда яна акс садо берди: биз қурган уйларга одамлар раҳмат дейишини жуда-жуда истайман.

**Ғ. ЮСУПОВ,**
**«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.**

Ишчи мактублари

# Касални яширсанг...

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмамиз довруғи кенг ёйилган. Корхонада ишлаб чиқарилаётган трактор ва прицеплар ўнлаб хорижий давлатларга жўнатилмоқда. Қайта қуриш бирлашма фаолиятини янада яхшилаш, туб ўзгаришларга эришиш учун хизмат қилмоқда. Бироқ корхонанинг айрим цехларида йиғилиб қолган муаммолар ишнинг олға силжишига халақит бермоқда.

Масалан, бизнинг цехимизда амалий ишдан кўра қуруқ гап кўпайиб кетяпти. Цехда ишчиларнинг ишлаши учун қулайлик яратиляпти, дейишади. Ҳар мажлисда шу гапни эшитамиз. Яхшигина маданият саройимиз бор. Кейинги пайтда бирорта таниқли санъаткорнинг ёки ансамблнинг концерти бўлганлигини эслолмайман. Видеофильм қўйиш расм бўлган. Бир дўстим билан кириб, озгина кўриб қайтиб чиқдик. Қизимиз, ўғлимиз тенги ёшлар, айнан завод ёшларига беҳаё фильм кўрсатишяпти. Уларнинг тарбияси нима бўлади? Партия ташкилотидагилар билмасмикин, раҳбарлар хабардормикин? Умуман, шундай фильмларга зормизми, деб ўйладим.

Цехимизда иш шароити яхши эмас. Нафас олишга қийналамиз. Бу ҳақда жуда кўп марта мурожаат қилдик, бироқ қулоқ соладиган киши йўқ. Цех раҳбарлари ишчиларнинг соғлиғи ҳақида ҳам қайғуриши лозимку.

Яқинда умумий йиғилишда цехимиз учун штат бўйича яна 12 процент ишчи етишмаслигини маълум қилишди. Бу кичкина рақам эмас. Муқим ишлаётганлар сонини ҳисобласак ярмига ҳам етмайди. Меҳнат қилаётганларнинг бир қисмини кечки бўлимларда ўқийдиган студентлар ташкил қилади. Очиғи, улар ётоқхона, пропискаси тайин бўлган ёшлардир. Кадрлар қўнимсизлиги юқори.

Цехда бемалол юриб, ишлаш учун қулайлик йўқ ҳисоб. Прицепнинг бўялган қисмлари цехда қуритилади. Гоҳида йиғув майдонида ҳам бўялади. Ҳиди нақ димоғни ёради. Квартал планини бажармадик. Маҳсулот ишлаб чиқариш 98,3 процентда қолди. Сабаби кўп, шулардан бири хом ашё етишмаслиги. Конвейер тез-тез тўхтаб қолади. Турган гап, бу планга таъсир қилади. Белгиланган маҳсулот ишлаб чиқарилмаса ойлик ошармиди?

Ишчилардан сифат ҳақида қайғуришни талаб қилишади. Талаб даражасида маҳсулот тайёрлашга шароит бўлмаса, ишчида нима айб? Бўялган деталлар камида 14 градус иссиқда қуритилиши керак. Йўқса бўёқлар хира тортиб, тезда кўчиб кетиши мумкин. Давлат қабул комиссияси шуни талаб қилади, бироқ цехда ҳароратнинг ўзи йўқ. Қишда совуқ, иситиш системалари яхши ишламайди.

Халқимизда «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деган нақл бор. Шунинг учун аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатга қулоқ солиш лозим. Бу биргина менинг фикрим эмас. Айтилган гап жойида қолиб, қарорлар ижросиз қолаверса, иш олға силжимайди. Пировардида кекса ишчи сифатида яна шуни айтмоқчиманки, сафимизга келаётган ёш ишчилар бу тартибсизликларни кўриб, кооперативга кетиб қолишяпти. Чунки у ерда маош катта. Корхонамизда ҳам ишчиларга яхши шароит яратиш вақти келди!

**Т. ШОМИРЗАЕВ,**
**«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-цех ишчиси.**



«Ташгортрикотажбыт» бирлашмасига қарашли 5-модалар ательеси коллективи буюртмачилар топшириғини тўла ва сифатли бажаришга интиляпти.

Мунира Тошмуҳамедова шу ательенинг кўзга кўринган тўқувчиларидан. У 1975 йилдан буён меҳнат қилади. Ўз касбининг моҳирларидан саналган пешқадам ишчи тўқиган кўйлак, кофта ва свитерларнинг сифатидан буюртмачилар ниҳоятда мамнунлар.



Киров район электр тармоғига қарашли подстанцияда ишлаб чиқариш илғорларининг сони йил сайин ошиб бормоқда. Кўп йиллик меҳнат фаолиятини станция ишига бағишлаган ана шундай пешқадам ишчилардан бири Виктор Иванович Кириллов ҳисобланади. Виктор Иванович 20 йилдирки электр монтёрлик касбини ардоқлаб келади. У шунингдек ўз касби сирларини ёш ишчиларга ҳам ўргатиб келмоқда. Ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан бажариши, меҳнатсеварлиги билан коллективда эътибор қозонган. Партия ва ҳукуматимиз моҳир ишчининг меҳнатларини муносиб тақдирлади. В. И. Кириллов III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени кавалери ва бир қанча медалларнинг нишондори бўлишга эришди.

СУРАТДА: В. И. Кириллов.

Т. Каримов фотолари.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетида

# Жабрини ўзимиз тортамиз-ку

ТОШКЕНТ республикамизда экологик ҳолати анча оғир бўлган беш шаҳарнинг бири ҳисобланади. Бу нохуш ҳолатни фақатгина чақириқлар, фармойиш ва жарималар билан ўзгартириб бўлмайди. Шаҳар — биз истиқомат қилаётган уй. Уни покиза тутиб, ҳаво, сув ва тупроғининг ифлосланишига йўл қўймаслик ҳар бир одамнинг инсоний бурчидир.

Гўзал шаҳримизда осмонўпар иморатлар жуда кўп. Уларнинг юқори қаватларидан чор-атрофга назар солсак, у ер-бу ерда бурқсиб чиқаётган тутунни кўрамиз. Бундай манзаралар айниқса баҳор ва куз ойларида жуда кўпаяди. Шаҳар аҳли уйлар яқинидаги ахлат учун қўйилган махсус контейнерлардаги чиқиндиларни, дарахтнинг кесилган шох-шаббалари ва хазонни ёқаверадилар. Бу эса, инсоният олдидаги жиноятдир! Гап шундаки, тутун таркибида инсон саломатлигига ниҳоятда ёмон таъсир этадиган заҳарли моддалар бор. Булар мусаффо осмонимизни булғатиб, биз нафас олаётган ҳавони ниҳоятда оғирлаштириб юборади.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети инспекторларининг текширувида аниқланишича турар жой массивларида йиғилган чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмайди. Машинага сиғмаганини эса ҳайдовчиларнинг ўзи ёқиб юборар экан.

Умумий қуввати 110 минг тоннага мўлжалланган маиший чиқиндиларни қайта ишлаш заводи шаҳардан йиғиладиган ахлатнинг фақат 8,5 фоизини қабул қила олади. Шунда ҳам доим тўла қувват билан ишламайди. Бу заводга маиший чиқиндилар асосан Акмал Икромов, Фрунзе, Чилонзор ва Собир Раҳимов районларидан келтирилади.

Йил давомида шаҳар территориясидан 1 миллион 300 минг тонна, кунига эса 3,3 минг тонна қаттиқ чиқиндилар йиғиб олинади. Улардан ўз вақтида ҳоли бўлиш учун шаҳримизга 900 та ахлат ташловчи махсус жой даркор, ваҳоланки, уларнинг сони бор-йўғи 560 та. Махсус автомашиналар сони эса лозим бўлган миқдорнинг 62,2 фоизини ташкил этади, холос.

Шаҳримизда тўпланган чиқиндилар Тошкент область Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 40 йиллиги» саноат комплекси совхозида жойлашган умумшаҳар ахлатхонасига олиб борилади. Ахлатхона 1974 йилдан бери мавжуд бўлиб, 30 гектар майдонга йилига 750 минг тонна ахлат ташланади.

Афсуски ахлатхона мавжуд қоидаларга хилоф равишда эксплуатация қилинади. Ёнғинга қарши техника етарли эмас, бори ҳам носоз. Ахлат тупроқ билан ёпилмайди ва доимо тутаб, ҳавони булғатади.

Шаҳар ахлатхоналарида ҳам аҳволни қониқарли деб бўлмайди. У ерларда махсус машиналарнинг ва механизациянинг етишмаслиги туфайли маиший чиқиндиларни жойлаштириш, безарар қилиш ва компостлаш технологиясига амал қилинмайди.

Юнусобод массивидаги ахлатхонада қоидалар бузилганлиги сабабли шу йилнинг 2 январидан бошлаб ёпиб қўйилди. Тошкентда яна 90 та назорат қилинмайдиган ўз-ўзидан пайдо бўлган ахлатхоналар мавжуд.

Ҳамза ва Акмал Икромов районларидан бошқа районлар «Автодормехбаза»лари талабга жавоб бермайдиган жойларда — пастқам, барак типидаги уйларда жойлашган.

Ахлат ташувчи автомобилларнинг кўпчилиги республикада махсус ремонт қиладиган заводнинг йўқлигидан ишламай турибди. Натижада мавжуд 760 машинадан 580-590 тасигина ҳар куни йўлга чиқади.

Махсус автохўжаликка қарашли машиналар эса ҳар куни 3,3 минг тонна ўрнига 2,6-2,7 минг тонна ахлатни жойлардан олиб кетади, қолганлари эса канал ёки жарлик бўйларига тўкилиб, антисанитария ҳолатини келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳримизда бу борада аҳвол кўнгилдагидек эмас. Тезда зарур чоралар кўрилмаса бўлмайди. Кўчалар четида, турар жой массивларида ахлатлар бир неча кунлаб олиб кетилмасдан пашша талаб, сасиб ётса, ариқлар эса ахлат билан тўлган бўлса, заҳарли тутун ҳавони булғатса, бунга бефарқ муносабатда бўлиш мумкинми? Она заминимизни мусаффо тутайлик. Бу ўзимизга боғлиқ. Ўйлаймизки, аҳоли ва мутасадди раҳбарлар пойтахтимизнинг покиза бўлиши учун барча чораларни кўрадилар.

**А. АКБАРОВ,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг илмий-техникавий тараққиёт ва тарғибот бўлимининг бошлиғи.**

Ўрта Осиё республикалари бўйлаб

⊙ АШХОБОД. Туркманистондаги «Квант» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида қуёш батареяларининг дастлабки туркуми тайёрланди. Уларнинг ёрдамида соат ва магнитофонларни, радиоприёмник ва болалар ўйинчоқларини қуёшга «улаш» мумкин. Батареялар конструкцияси уларни ҳатто булутли пайтларда ҳам зарядлашга имкон беради.

⊙ ДУШАНБА. Жамиятда янги экологик тафаккурни қарор топтириш, гражданларни атроф-муҳитни тоза сақлаш учун жавобгарликни ҳис этиш руҳида тарбиялаш — яқинда ташкил этилган «Экология ва маданият» уюшмаси ўз олдига ана шундай мақсадларни қўйган. Уюшмага экология ҳаракатида ўзининг актив фаолияти билан машҳур бўлган ёзувчилар, олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, жамоатчилик вакиллари аъзо бўлишди. Тожикистон қишлоқ хўжалигини химиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш уюшманинг яқин орадаги режаларидандир.

⊙ ФРУНЗЕ. Қирғизистоннинг Иссиқота районида республика Қизил ярим ой жамиятининг ташаббускорлари банкда раҳм-шафқат счети очишди. Бунга район Совети сессиясида жамият район комитети раисининг ўринбосари Н. Русанованинг нутқи сабаб бўлди. У барча ёрдамга муҳтож ёлғиз қарияларни аниқлади, уларнинг оғир аҳволи тўғрисида сўзлаб берди. Ленин номли колхоз, Иванов ғишт-силикат заводи, Ивановка станциясининг ремонт-механика заводи ва бошқа ташкилот ҳамда корхоналар счетга катта маблағ ўтказишди. Бу таклифга православ, мусулмон ва баптист диний жамоалари ҳам муносиб улуш қўшдилар.

(ТАСС).

Шарҳчи сатрлари

# Танглик билан олишиб

«Ҳар бир революция халққа социал ва сиёсий озодлик билан бир қаторда иқтисодий озодлик ҳам бериши керак». Никарагуа бошидан кечираётган жуда мушкул иқтисодий танглик сабабларини таҳлил қилар эканман, газета мақоласидаги ана шу жумла хаёлимга келди, дарҳақиқат Никарагуада танглик аломатларини ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда кўрса бўлади.

Революциядан кейин орадан 10 йил ўтди, аммо никарагуаликлар жуда қашшоқ яшамоқдалар. Ялангоёқ болакайлар чорраҳада туришиб, ҳайр-эҳсон сўрашмоқда, кўпчилик болалар оилани боқишда ота-оналарига ёрдам бериш учун ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Фанерлардан тикланиб томига пальма дарахти барглари ёпилган кулбаларни Никарагуа қишлоқларидагина эмас, пойтахтда ҳам кўриш мумкин. Манагуа марказидаги кўчалар узоқ йиллардан буён ремонт қилинмагани учун ўйдим-чуқур бўлиб кетган. Бу айтганларим мамлакат бошига тушган оғир иқтисодий аҳволнинг кўзга чалинадиган айрим жиҳатларидир, холос.

Экономикадаги танг вазият — республика олдида турган асосий муаммолардан биридир. Маҳаллий реакция сандиночилар ҳукуматини «уқувсиз» раҳбарликда айблаб, шу ҳукуматга қарши курашда ана шундан фойдаланишга уринмоқда. Аммо, юз берган аҳволнинг асл сабабларини тушуниб олиш учун мутахассис бўлиш шарт эмас. Никарагуанинг марказий ва шимолий вилоятларини айланиб чиқиб, вайрон бўлган мактаблар ва касалхоналарни кўриб, контрасларнинг сурункали хуружларидан безор бўлиб, деҳқонлар ташлаб чиқиб кетган кофе плантацияларига назар солиб, босқинчилар портлатиб юборган кўприклар ва электр симёғочларга назар солиб, танг вазиятнинг сабаби АҚШ ёллаган газандалар қўли билан сўнгги 8 йил мобайнида Никарагуага қарши олиб борилган уруш эканига ишончингиз комил бўлади.

Мустақил халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, контрасларнинг агрессияси ва Қўшма Штатларнинг савдо-иқтисодий жазо чоралари сабабли Никарагуага етказилган иқтисодий зарар 12,3 миллиард доллардан ҳам ортиб кетди. Бу талофотнинг миқёсларини тасаввур этиш учун юқорида тилга олинган маблағ чорак аср мобайнида мамлакат четга мол сотишдан олган даромадга бараварлигини айтиб ўтиш кифоядир. Кўпдан бери деҳқончилик қилиб келинган районлардаги актив ҳарбий ҳаракатлар оқибатида кофе, пахта, оқ жўхори ва бошқа экинлар етиштириш 30 процент камайди. Илгари эса бу маҳсулотларни жаҳон бозорида сотишдан Никарагуа анча даромад олар эди. Савдо балансининг камомади 650 миллион долларга етди, бу чоғроқ қолоқ давлат учун офатдир. Бунинг устига даҳшатли табиий офатлар ҳам содир бўлди. Ўтган йили октябрь ойида бўлган «Жоан» тўфони келтирган вайронагарчиликдан кўрилган зарар 828 миллион долларга етди.

Маблағ ҳамиша етишмай турганлиги бюджет жуда катта камомадининг ва пул тобора қадрсизланиб бораётганлигининг сабабидир. Расмий маълумотларга кўра, ўтган йили пул қадрсизланишининг умумий кўрсаткичи 20.000 процентга борди. Бу рақамга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. 1989 йилнинг бошида республика бир қанча мамлакатлар, шу жумладан СССР бераётган иқтисодий ёрдамга қарамай, иқтисодий таназзул жарига жуда яқинлашиб қолди. Ҳа, буни таназзул, деб аташ керак бўлади ва буни ҳеч ким яшираётгани йўқ. Никарагуа президенти Даниэль Ортега шу ҳақда ошкора гапирди, мамлакатнинг бошқа раҳбарлари ҳам танглик сабабларини аниқ-пухта таҳлил қилиб, шундай демоқдалар. Январь ойининг охирида ҳукумат иқтисодий қийинчиликларга қарши кураш хусусида илгари мисли кўрилмаган чора-тадбирларни кўрганлиги ҳам худди ана шу таназзул сабаблидир.

Даниэль Ортега миллий ассамблея (парламент) минбаридан туриб Никарагуа халқига мурожаат қилиб, ана шу чора-тадбирлар ҳақида хабар қилди. Президент, мафкуравий қарашлардан қатъий назар, мамлакатдаги барча сиёсий, иқтисодий, социал кучларга мурожаат қилиб, республикани қутқариб қолиш учун «Иқтисодий пакт (Битим)» тузишга даъват этди. Бир томондан, ҳукумат билан меҳнаткашлар, иккинчи томондан саноат ва қишлоқ хўжалигидаги хусусий мулк эгалари ўртасидаги ўзаро ишонч бу битимнинг негизи бўлиши керак. Шу нарса ҳеч кимга сир эмаски, йирик корхоналарнинг эгалари ва катта заминдорлар инқилобдан кейин кўпгина имтиёзлардан маҳрум бўлиб қолиб, революцион Никарагуанинг иқтисодий тараққиётини кўпоришга уриндилар, чунки улар ана шундай тараққиёт халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш негизи эканини билар эдилар. Шу нарса ҳам сир эмаски, хусусий секторнинг миллатга қарши фаолияти (контрасларнинг республикага қарши ҳарбий ҳаракатлари ва АҚШнинг иқтисодий қамали билан бир қаторда) иқтисодий танглика олиб келди. Ҳукумат хусусий сектор вакилларига мурожаат қилиб, орани бузишни тўхтатишга ҳамда барча никарагуаликларнинг фаровонлиги йўлида ишга киришишга ҳам даъват этди. Айни вақтда ҳукумат хусусий секторга кафолатлар ҳам берди. Жумладан, ерни мусодара қилишни тўхтатиш мажбуриятини олди. Бу тадбир хусусий ер эгаларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан ва экспорт учун хом ашё етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдорлиги ошишига ёрдам бериши керак, бу эса объектив тарзда иқтисодий ўсишга олиб келади.

Ҳукумат бюджет камомадини қисқартириш ва пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш мақсадида 1989 йилги миллий бюджетнинг барча харажатларини камайтиришдек сўнгги чорани кўрди. Мудофаа, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф министрликлари эҳтиёжлари учун ажратилган маблағ камайтирилди. Ҳукумат бюджет харажатларини камайтириш учун экономика давлат секторида хизмат қилаётган 30 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчини бўшатишдек чорани кўришга ҳам мажбур бўлди. Бу кишиларга қишлоқ хўжалигида ишлаш таклиф этилади.

Мушкул вазиятда ана шундай чора-тадбирлар кўрилганини, бу тадбирлар меҳнаткашлар манфаатларига путур етказаётганини ва дастлабки кезларда меҳнаткашлар моддий аҳволини ёмонлаштириши мумкинлигини ҳукумат тан олмоқда. Аммо, Никарагуа президенти айтганидек, бошқа йўл йўқ. Акс ҳолда, пулнинг қадрсизланиши назоратдан чиқиб кетиши мумкин. Бу эса ҳалокатга олиб келган бўлур эди. Фақат ана шундай қатъий, фавқулодда чора-тадбирлар билангина танглик тўсиғини бартараф этиш мумкин.

Хўш, дастлабки ижобий натижалар қачон бўларкин? Агар пулнинг қадрсизланиши яна давом этаверадиган бўлса, ҳукумат нима чора кўраркин? Мен президент ҳузуридаги планлаштириш ва бюджет масалалари билан шуғулланувчи секретарь Алехандро Мартинес Куэнкага шу саволларни бердим. У рўй-рост шуни тан олдики, жуда мушкул танглик кезида ана шундай фавқулодда чора-тадбирлар ҳам дарров натижа бермайди. Шу йил ўрталарига борибгина дастлабки ижобий самара олиниши мумкин. Эҳтимолки, ўшанда пулнинг қадрсизланиш суръатлари кескин камаяр, бу эса экономикани барқарорлаштириши лозим.

А. Мартинес Куэнка, миллий «Иқтисодий пакт» яъни битимга эришиш ҳукумат чора-тадбирлари муваффақиятининг гаровидир, деб таъкидлади. Акс ҳолда экономикага, секретарнинг ибораси билан айтганимизда, «тизгинсиз бебошлик» таҳдид солаверади, агар бир неча ой мобайнида пулнинг қадрсизланиш даражаси 100 процентдан ортиқ бўлаверса, ҳукумат «ҳарбий экономика» схемасига ўтишга мажбур бўлади. Бу ҳолда давлат ишлаб чиқаришни батамом назорат остига олади ҳамда барча маблағлар ва ресурсларни тежашнинг яна ҳам қаттиқроқ тадбирларини жорий этади.

Айни вақтда А. Мартинес Куэнка статистика маълумотларига асосланиб шуни таъкидладики, ҳукуматнинг иқтисодий чора-тадбирлари назарда тутилган натижаларни бериши керак. Никарагуадаги кўпгина етакчи иқтисодчилар ҳам бу фикрга қўшилмоқдалар. Уларнинг назарида, ҳукумат тангликка қарши курашнинг ҳозирги программасини қайтадан кўриб чиқишига тўғри келмайди.

**И. ПШЕНИЧНИКОВ,**
**ТАСС мухбири.**

